




journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

THE ESSENCE AND THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASES OF ETHNOECOLOGICAL CULTURE

Nigora Pulatova

Lecturer

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

Orzигул Сотвoldieva

Student

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

Gulira'nno Akbarova

Student

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ecology, environmental Culture, Environment, Society, nature, environmental problem, healthy lifestyle.

Received: 25.02.22

Accepted: 05.03.22

Published: 16.03.22

Abstract: In the context of globalisation, the dialectic connection and dependence between nature and society has become much more complicated. Such relations can be said to be the result of the strong influence of society and social development on nature. This makes it possible for nature to remain under high pressure. As a result, the emergence of various global environmental problems related to nature, increasing the number of types of environmental problems and the emergence of socio-environmental problems are sending. Therefore, along with modern innovative approaches to the elimination of such global environmental problems, the importance of an ethnoecological approach based on the traditions of peoples' use of nature is growing.

In this article, the essence and theoretical-methodological basis of ethnoecological culture is studied.

ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Нигора Пўлатова

Ўқитувчи

Фарғона Давлат Университети

Фарғона, Ўзбекистон

Орзигул Сотволдиева

Талаба

Фарғона Давлат Университети

Фарғона, Ўзбекистон

Гулираъно Акбарова

Талаба

Фарғона Давлат Университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: экология, экологик маданият, атроф-муҳит, жамият, табиат, экологик муаммо, соғлом турмуш тарзи.

Аннотация: Глобаллашув шароитида табиат ва жамият ўртасидаги диалектик алоқадорлик ва қарамакаршиликлар анча мураккаблашди. Бундай муносабатларни жамият ва ижтимоий тараққиётни табиатга кўрсатаётган кучли таъсири натижаси дейиш мумкин. Бу эса табиатни юқори босим остида қолишини келтириб чиқармоқда. Натижада, табиат билан боғлиқ турли глобал экологик муаммоларни келиб чиқиши, экологик муаммоларни турларини кўпайиб бориши ҳамда ижтимоий-экологик муаммоларни юзага келишини кучайтириб юбормоқда. Шу боис бундай глобал экологик муаммоларни бартараф этишда замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда халқларнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарига асосланган этноэкологик ёндашувнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда.

Ушбу мақолада этноэкологик маданиятнинг мазмун-моҳијати ва назарий-методологик асослари тадқиқ этилган.

СУЩНОСТЬ И ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЭТНОЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Нигора Пулатова

Преподаватель

Ферганский Государственный Университет

Фергана, Узбекистан

Орзигуль Сотвондиева

Студентка

Ферганский Государственный Университет

Фергана, Узбекистан

Гулирано Акбарова

Студентка

Ферганский Государственный Университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: экология, экологическая культура, Окружающая среда, Общество, природа, экологическая проблема, здоровый образ жизни.

Аннотация: В условиях глобализации диалектическая связь и зависимость между природой и обществом значительно усложнились. Можно сказать, что такие отношения являются результатом сильного влияния общества и социального развития на природу. Это позволяет природе оставаться под высоким давлением. В результате происходит возникновение различных глобальных экологических проблем, связанных с природой, увеличение числа видов экологических проблем и возникновение социально-экологических проблем. Поэтому наряду с современными инновационными подходами к устраниению таких глобальных экологических проблем возрастает важность этноэкологического подхода, основанного на традициях природопользования народов.

В данной статье исследуется сущность и теоретико-методологические основы этноэкологической культуры.

КИРИШ

Бугунги қунда табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-мухитга инсонийлик муносабатни шакллантириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда ва бу борада кўплаб ёндашувлар ва илмий назариялар яратилмоқда. Янги минг йилликда миллат ва элатларнинг географик жойлашуви, имкониятлари ўзига хос эканлиги ва ундан оқилона

фойдаланиш зарурлиги ғоялари илгари сурилмоқда. Дунёдаги ҳар бир миллат ва этнос ўз экологик имкониятларидан унумли фойдаланиши, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиши ва асраб-авайлаши глобал экологик муаммоларни олдини олиши иконияти борлигини таъкидланмокда. Шу боис этноэкологик маданият феноменини ўрганиш ва уни ижтимоий онг шакли сифатида ривожлантириш масалаларининг зарурати ошиб бормоқда.

XXI-аср дунёда талаба ёшларни экологик маданиятни шакллантириш, миллий ва умуминсоний экологик қадриятларни сақлаб қолиш ва қадрлаш билан боғлиқ жараёнлар жаҳон ҳамжамиятини бирлашишга ва умумбашарий ҳаракатларни ташкил этишга ундамоқда. Шунингдек, этноэкологик дунёқарашни шакллантириш ва бу орқали умумбашарий этноэкологик маданиятни ривожлантиришга қаратилган, учрашувлар, халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотлар кўмагида ижтимоий ҳаракатлар хам ташкил этилмоқда. Мисол учун, 1992 йилда Рио-де-Жанейро халқаро конференцияси, 2020 йилда Йоханнесбург халқаро конференцияси ва 2015 йилда Нью-Йорк халқаро конференцияларида глобал экологик инқирозга қарши қурашиш, унинг таъсирини камайтириш ва табиатдан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳит табиийлигини сақлаб қолишга доир фикр-мулоҳазалар, чора-тадбирлар ва таклифлар илгари сурилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Этноэкология тушунчасининг категориал моҳияти, келиб чиқиши ва обьекти тўғрисида фикр юритилса, мазкур иборани замонавий фанга биринчи бўлиб, америкалик этнolog Г.Конклин 1954 йилда киритган (юонон тилида *ethnos* – халқ, *oikos* – уй, бошпана, *logos* – сўз, таълимот) бўлсада, бу тушунчани ифодаловчи илмий қарашлар кишилик жамиятида анча қадимдан мавжуд бўлган. Бу дунёқарашларда жамият билан табиатнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига таъсирини илмий жиҳатдан асослашга астойдил ҳаракат қилинган.

Ижтимоий тамаддуннинг бугунги ҳолатида экология билан боғлиқ масалалар, табиат экотизими емирилишининг кенгайиб бориши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, табиий муҳит глобал ўзгаришининг таҳдиidi, саноат обьектларидағи халокатлар, хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига сальбий таъсири дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб қўйди. Инсоннинг табиатга таъсири, ўз навбатида, табиатнинг инсониятга акс таъсирини келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида мураккаб, кўп киррали ва гурли хусусиятли муаммолар юзага келмоқда.

Этноэкологик қарашларнинг ривожланишига катта туртки бўлган географик детерминизмни асосчиси сифатида француз мутаффакири Ш.Монтескье тилга олинади. У

ва бошқа Ғарбий Европа олимларининг кишилик жамиятига табиатнинг таъсири ҳақидаги дунёқарашлари қадимги дунё ва Ислом цивилизацияси таъсирида юзага келган экан. Табият ва жамият, инсон ва иқлим боғлиқлиги тўғрисидаги бундай фикрлар этноэкологик қарашлар эволюциясини шакллантирди ва алоҳида методология сифатида шаклланишига асос бўлди.

Этноэкологик ғояларнинг ривожланишида антропогеографиянинг асосчиси бўлган. Ф.Ратцелнинг асарлари муҳим роль ўйнаган. У давлатга тирик биологик организм сифатида қараб, у ерда яшовчи этносларнинг ер ва унинг табиий шароити билан яқин ва узлуксиз алоқадорликда бўлинишини таъкидлайди. Унинг фикрича, этносларнинг ривожланишида уларнинг жойлашган ўрни билан бир қаторда, ахоли зичлиги хам салмоқли ўрин эгаллайди ҳамда аҳолининг зич бўлиши нафақат халқларнинг жисмоний ривожланишига балки маданиятнинг ўсишига хам туртки бўлади.

Ғарблик олимлардан Ж.Стюард томонидан этноэкологиянинг аналоги сифатида яратилган «Маданий экология»нинг мақсади маданиятларо фарқларни, биринчи навбатда ҳар бир маданий вилоятнинг «юзи» билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларнинг келиб чиқиши сабабларини очиб беришдир, деб белгиланди. Ж.Стюард қарашларида географик омилларнинг кишилик маданиятига таъсири очиб берилиши қўйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

- биринчидан, унинг ғоявий қарашлари «эволюциянинг кўп хиллилиги» концепциясига асосланади ва табиий омилларни жуда дикқат билан эътиборга олишини талаб қиласди;
- иккинчидан, қиёслаш мумкин бўлган табиий шароитга эга бўлган жамиятда юз берадиган ўхшаш эволюцион жараёнлар ҳар доим ҳам маданий «диффузия натижаси» бўлмаслиги, шу жойдаги табиий шароит таъсирида юзага келганлиги эътироф этилади.

Этноэкологик қарашларнинг ривожланишида француз олимларидан П.Видаль де ла Блашнинг ғоялари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Улар томонидан ишлаб чиқилган моделга кўра, инсон табиатга мослашувчи пассив эмас, балки, фаол агент сифатида кўрилади. Бир хил яшаш муҳитида бўлган турли инсонлар ҳар-хил маънавий, техникавий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа нотабиий омиллар таъсирида турлича иқтисодий ривожланиш йўлини танлашлари эътироф этилади. Бу ғояни қулай ва турли-туман табиий шароитга эга бўлган ҳудудлар учун қўллаш зарурлиги айтилади. Бундай ёндашувда кишининг маълум ҳудудда ўзини қандай тутиш сабабини мажмуали (табиий, ижтимоий, иқтисодий) ҳисобга олиш зарурати англаб етилади.

Этноэкология ёки унинг синоними сифатида ишлатиладиган «этник экология»ни тадқиқ этган В.Козловнинг фикрича, «этноэкология бу- этнография билан инсон экологияси (ижтимоий экология) оралиғида жойлашган, этник география, этнодемография ва этник антропология билан туташиб қолган жойлари бўлган илмий йўналиш»[167]дир.

«Этник экология» ўз олдига қўйидаги вазифаларни ўрганишни қўяди:

- табиий ва ижтимоий-маданий яшаш шароитига эга бўлган этник жамоаларни ёки бутун этносларни анъанавий ҳаётни қўллаб-қувватлаш тизимидағи хусусиятларни;
- мавжуд шаклланган экологик алоқадорликни кишилар саломатлигига таъсирини;
- этносларнинг табиий қобиқдан фойдаланишдаги ўзига хосликлар ва уларни ушбу қобиқка таъсирини;
- этносларнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини;
- этноэкотизимларни шаклланиш ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини.

Бундан ташқари, мавжуд этноэкологик маданиятни кишилар саломатлигига таъсири, табиатдан фойдаланиш борасидаги этносларни ўзига хос меҳнат қуроллари ясами, кийиниши, уй-жой қуриш маданияти каби мавзулар ҳам бор, улар қўпроқ этнология, тарихий антропоология, тарихий этнография ва экология фанларининг ўрганиш доирасига тегишилдири.

Бугунги кунда этник экологиянинг асосий эътибори кишилик жамиятининг атроф-муҳитга мослашиш жараёнини ўрганишга қаратган. Бу жараёнда маданият табиатга мослашишни амалга оширадиган восита сифатида қаралган. Маданият ёрдамида кишилар нафақат у ёки бу табиий муҳитга вақт давомида мослашиб борганлар, балки маълум даражада мазкур табиий муҳитни қайта ўзгартириб, «маданий ландшафт»лар яратганлар.

Табиий муҳитга мослашувнинг воситаси сифатида маданиятни ҳар томонлама ўрганиш зарурлиги ҳақидаги концепцияни яратган. Э.С.Маркарян фикрича, «мослашувчанлик бу - жамиятни ижтимоий-маданий жиҳатидан қайта қуриш жараёнидир. Ўз навбатида, жамият доимо ҳаракатда ва ўзгарувчандир. Мослашувчанлик бир томондан жамият ичидаги маданий ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи куч бўлса, бошқа томондан, атроф яшаш муҳитнинг «маданийлашиб» ўзгариб боришини таъминлайди ёки географияда ўрганиладиган «маданий ландшафт»лар яратилишига сабаб бўлади». Демак, рус олимлари В.П.Алексеевнинг антропогеоценоз, И.И.Крупникнинг этноэкотизим концепциялари бир-бирини тўлдириб, этноэкологик тадқиқотларга тизимли ёндашув олиб кирилишига сабаб бўлди. Антропогеоценоз, В.П.Алексеев бўйича, алоҳида тизим бўлиб, унинг таркибий компонентлари сифатида хўжалик юритувчи жамоа, унинг ишлаб

чиқариш фаолияти ва ўзлаштирилаётган (эксплуатация қилинаётган) ҳудуд олинади. Хўжалик юритувчи жамоанинг асосий кўрсаткичлари сифатида унинг сони ва демографик таркиби ўрганилса, ишлаб чиқариш фаолияти жамоа аъзоларининг билим ва кўникулларидан, иш қуроллари ва унумдорлиги орқали очиб берилади. Бироқ, В.П.Алексеев ўзлаштирилаётган ҳудудни тавсифламайди. Аслида бу ҳудуд ўзининг табиий-географик мухити, табиий шароити ва ресурсари билан юқоридаги компонентлар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади ва география фанини ўрганиш доирасига киради. Бу алоқадаги ягона қараашлар этнограф ва географлар томонидан белгилаб берилган.

Яна бир рус олим И.И.Крупник юқоридаги модел терминларини бироз ўзгартириб, тўлдирди ва этноэкотизимнинг компонентлари сифатида «хўжалик юритувчи жамоа», «ўзлаштирилган ҳудуд», «уй ҳайвонлари популяцияси», «хўжалик-маиший ускуналар»ни киритди. Бунда асосий эътибор ўрганилаётган жамоани атроф-мухит билан озиқ-овқат занжири шаклида бўладиган моддий энергетик алоқасига қаратилди. Бу ғоялар бугунги қунда фанга чуқур кириб борган экотизимли ёндашувга асос бўлиб, антропоэкотизим тушунчаси яратилишига сабаб бўлди.

Этноэкологиянинг яна бир концепцияси В.И.Козлов ва унинг шогирдлари томонидан фанга киритилган бўлиб, бунда асосий эътибор, маҳаллий жамоанинг табиий ва ижтимоий шароитга муваффақиятли мослашишининг мезони сифатида жамоанинг узоқ умр кўриш кўрсаткичини таҳлил этиш таклиф этилади.

Ўзбекистон шароитида ўтган асрнинг 60 йилларидан Орол муаммоси ва бошқа атроф-мухит билан боғлиқ ўзгаришлар, ерларни ўзлаштиришни кучайиши ва бошқа глобал ўзгаришларнинг таъсирида кучайиб борди ва бу этноэкологик маданиятни шакллантиришни долзарб вазифалардан бирига айлантирди.

Ўзбекистон экологиясидага ўзгаришларга эътибор қаратилса, экологик ўзгаришлар инқирозни келтириб чиқариши ва буни зудлик билан бартараф этишни кўрсатмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди ва унда ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, шунингдек, экология соҳасидаги илм-фанни жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштириш мақсад қилинган. Бу орқали миллий экологик маданиятни шакллантириш ва маҳаллий экологияни инқироздан асрар, атроф-мухит тозалиги, мусаффолинини асрраб-авайлаш маданиятини шакллантириш мумкин.

Ўзбекистонда этноэкологик маданиятни шакллантириш долзарблигини асослаш учун экологик вазият, атроф-мухит ва табиатдан фойдаланишдаги муаммоларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистоннинг умумий топографияси жуда ранг-баранг, мамлакат территориясининг қарийб 80фоизини эгаллаган чўл текисликдан тортиб шарқий тоғ минтақалардаги баландлиги денгиз сатҳидан 4.500 метрга етадиган чўққилар бор. Мамлакатнинг аксатият қисми қурғоқчил, ўртacha йиллик ёғингарчилик 100 дан 200 мм орасида бўлади, бу эса буғланиш даражасидан пастлигини англатади. Шу боис мамлакатимиздаги экологик барқарорлик секин-асталик билан ўзгариб бораётганлигини билдиради. Шунингдек, Ўзбекистонда ёғингарчилик фаслий хусусиятга эга бўлиб, аксарият ёмғир киш ва баҳордабўлади. Бу фаслларда наботот ўсиши деярли тўхтабқолади. Қуруқ, иссиқ ҳаво юкори даражада буғланиш билан бирга мувофиқ дренаж йўқлиги учунтупроқ тез минераллашувига олиб келади. Минераллашувга қўшимча равища текислик ва тоғэтакларида кучли қуруқ ва иссиқ шамоллар эсиб эрозияга олиб келади. Бу этноэкологик тарфа-хиллики, ўзига хос хусусиятини кўрсатади.

Ҳар бир мамлакатнинг этноэкологик қадриятларини ва маданиятини шакланнишида бу ҳудуддаги сув омили муҳим ўрин тутади. Умуман, тарихан цивилизацияларни дарё бўйларида вужудга келиши ва ижтимоий тараққиётнинг сув билан чамбарчас боғлиқлиги ҳалқларни сувга алоҳида муносабатда бўлишига олиб келган. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам тарихан сув эъзозланган ва уни ифлослаш жуда қораланган. Буни Авестода ҳам кўришимиз мумкин. Лекин тарихий тараққиёт натижасида мамлакатимизда ҳам сув муаммоси юзага келмоқда. Миллий этноэкологик маданиятни шакллантиришда асрий анъаналаримиз бўлган, сувни эъзозлаш, уни исроф қилимаслик тўғрисидаги фикрларни бугунги таълимга олиб кириш ва ёшларга сингдириш зарурати ортиб бормоқда. Бугунги вазиятга кўра, Ўзбекистоннинг сув захиралари тақчил ва текис тақсимланмаган, бу эса мамлакатнинг аксарият жойларида сув танқислигига сабаб бўламоқда. Минтақанинг икки катта дарёси Тоҷикистон ва Қирғизистон тоғларида бошланадиган Амударё ва Сирдарё Ўзбекистонда ҳаётбахшсув манбаи ҳисобланади. Лекин сўнги йилларда бу дарёлардан нооқиона фойдаланиш сув муаммосини келтириб чиқариши билан бирга Орол ҳалокатини ҳам юзага келтирди. Этноэкологик ёндашувларга кўра, экологик инқироз инсонлар қўйлари билан юзага келтирилади ва ҳалқлар ҳаётини издан чиқаради. Шу боис ҳам этноэкологик маданиятни шакллантириш ва бу орқали ҳар бир ҳалқнинг экологик барқарорликни таъминлашдаги имкониятларидан фойдаланиш ва масъулиятни ошириш вазифалари ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда этноэкологик барқарорликка эришиш бошқа муаммолар билан бирга озиқ-овқат барқарорлигини ҳам яратиб беради. Ўзбекистонда тез ўсиб бораётган аҳоли учун озиқ-овқат хавфсизлигига интилиш қишлоқ хўжаликдаги устунвазифаларда ўз аксини топади. Буғдойэкин майдонлари охирги 25 йил мобайнида 60 фоизга ошли. Буғдойдан юқори ҳосил олишгақўшимча равиша Ўзбекистон Марказий Осиёда салмоқлимиқдорда ипак, мева ва сабзавот етиштирилади. Бу ҳам мамлакатни экологик мувозанатзиликка қараб бошамоқда.

Шунингдек, сўнги ўни йилликда Ўзбекистонда демографик ривожланиш жуда ижобий бўлди. Таҳлилларга кўра, юртимизда кутилган умр давомийлиги Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидагига қараганда юқори ва ҳам эркаклар, ҳам аёллар узоқроқ умр кўраётган ҳолда уларнинг кутилган умрлари давомийлиги орасидаги фарқ 4,7 йилгача камайди. Болалар ўлими кўрсаткичи 24 фоизга пасайди. Юқори туғилиш кўрсаткичи ва болалар ўлими кўрсаткичи пасайғанлиги туфайли Ўзбекистон аҳолиси жуда «ёшарди» – аҳолининг 31,6 фоизини 14 ёшдан ёшлар ташкил қиласи 80 фоизи, ўзбеклардир. Бошқа этник групкалар жумласида руслар (5,5 фоиз), тожиклар (5 фоиз), қозоқлар (3 фоиз), қорақалпоқлар (2,5 фоиз) ва татарлар (1,5 фоиз) (1996 йил чамаси) ташкил қиласи. Гарчи ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик шаклланаётганлигига қарамай, табиятдан фойдаланишда, атроф-муҳит билан боғли вазиятларда ва экологик холатда муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Бу эса, этноэкологик маданиятни шакллантириш, миллатнинг экологик дунёқарашини ошириш вазифалари ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг бой ва ранг-баранг атроф-муҳитига қарамай, ўнлаб йиллар давомидаги атроф-муҳитга бепарволик экологик жиҳатдан номақбул иқтисодий сиёsat билан биргаликда Ўзбекистонни бир неча жиддий экологик инқиrozлар марказига айлантириди. Минтақадаги икки дарёдан катта миқдорда сувни суғориш мақсадлари учун олиш, қишлоқ хўжалигига кимёвий моддаларини кенг кўламда ишлатиш ва оқава сувларни етарли даражада қайта ишламаслик жиддий миқёсдаги саломатлик ва экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу этноэкологик муаммоларни ҳам юзага келтирди. Миллат генафондини ҳам ўзгаришига таъсир кўрсатаётганлиги мазкур масалални зудлик билан бартарф этиш ва унга қарши қурашиш йўлларимни белгилашни талаб этади.

Глобал экологик вазияни баҳоловчи халқаро илмий тадқиқот марказининг таҳлилларига кўра, йиллар давомида қурол-яроқ синови, саноат тадбирлари, пестицидлардан фойдаланиш ва ўғитларнинг ювилиб кетиши натижасида Орол денгизи ниҳоятда ифлосланган. Куриган денгиз тубидан шамол қўтарган туз билан чанг минтақа

қишлоқ хўжалиги ва экотизимсига заарар етказяпти, ичимлик сувини ифлосляпти ва жиддий саломатлик муаммоларни тұғдиряпти. Денгизнинг чекиниши маҳаллий иқлим ўргаришига олиб келди, оқибатда ёз давоми қисқарди, ёз иссиқроқ ва қуруқ бўляпти, қиш эса узайибсовукроқ ва қорсиз бўляпти. Ҳар йили тонналаб туз 800 км масофага тарқаляпти ва Орол дengизидан қўтарилган туз ва чанг бўронлари Ер атмосферасидаги заррачалар таркибини 5 фоиздан кўпга оширди. Бу эса глобал иқлим ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатди. Пахта етиштиришда катта миқёсда кимёвий моддалар қўлланилиши, самарасиз ирригация ва яроқсиздренаж тизими ифлосланган ва шўр сув кўп миқдорда қайта ерга сизиб кетишига олиб борди. Натижадачучук сувга янада кўпроқ ифлословчи моддалар тушди. Барча суғориладиган ерларнинг қарийб50 фоизи шўрланган, деб таснифланди, суғориладиган ерларнинг тахминан 5 фоизи юқори даражада шўрланган. Етарли миқдорда ўғит бермаслик, экинлар алмашлаб экилмаслиги ва тупроқ шўрланиши баробар ерхосилдорлигига таъсир қилмоқда. Охирги йилларда бир гектар ернинг пахта ҳосилдорлиги Хоразмвилоятида 20 фоиз ва Қорақалпоғистонда 30 фоиз пасайди. Орол дengизининг кўриб бориш кимёвий пестицид ва табиий тузлар концентрациясининг ошибборишига олиб келяпти; сўнг бу моддалар кўл тубидан шамол билан кўтарилиб сахроланишга ҳиссакўшяпти. Саноат чиқиндилари ва тупроқнинг кенг миқёсда ўғит, пестицид ва қишлоқ хўжалиги кимёвиймоддалардан фойдаланиш оқибатида ифлосланиши туфайли сувнинг ифлосланиши кўпинсон саломатлигининг бузилишига олиб келмоқда. Шундай экан, экологик муаммоларнинг тобора глобал аҳамият касб этиб бораётганлиги инобатга олиниб, сўнгги йилларда мухим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф мухит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Экологик таълимнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф мухитни беқарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар хисса қўшиши зарурлиги билан белгиланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, бугунги кунда глобал экологик муаммоларнинг кенг кўлам каб этиши, иқлим ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар иносниятни экологик муаммоларга қарши курашни янги форматга олиб чиқишини талаб этмоқда. Жаҳонда табиатдан нооқилона фойдаланиш, атроф-муҳитнинг тозалигини бузилиши ҳам экологик барқарорликни ўзгартириб юбормоқда. Бу эса ҳар бир мамлакатда экологик барқарорликни таъминлаш

стратегиясини ишлаб чиқиши ва экологик маданиятни шакллантиришни талаб этмоқда. Мана шундай вазиятда этноэкологик дунёқарашни шакллантириш халқларнинг табиатга онгли муносабати асосида шаклланган қадриятларидан экологик мувозанатни таъминлашда фойдаланиш вазифалари юзага чиқмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ж.Т.Холмўминов ва бошқ. Экология хукуки. Дарслик. Тошкент, 2014.
2. X.Турсунов. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, 1997.
3. Ganiyev, B. S. (2019). INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University, I(11)*, 122-129.
4. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). THE PHILOSOPHICAL BASIS FOR THE FORMATION OF SPIRITUAL MATURITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
5. Kuzibaevna, O. G. (2020). TECHNOLOGIES OF DEVELOPING THE ECOLOGICAL CULTURE OF STUDENTS IN THE PROCESS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Solid State Technology*, 63(1s), 1816-1825.
6. Yuldashev, F., & Yuldasheva, N. (2019). THE ROLE OF COMMUNICATION SKILLS AND IMPROVING THESE SKILLS IN TEACHING. *Scientific Bulletin of Namangan State University, I(2)*, 262-266.
7. Abdurakhmonova, M. M., ugli Mirzayev, M. A., Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.
8. Khakimov, N. H., & Ganiyev, B. S. (2019). THE ROLE OF STUDYING THE STRATEGY OF ACTION IN CHOOSING A PROFESSIONAL DIRECTION (TAKING INTO ACCOUNT THE FORMATION OF ENTREPRENEURIAL QUALITIES) IN STUDENTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University, I(7)*, 296-303.
9. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).
10. Asadullaeva N. Pedagogical Factors Of Formation Of Active Life Position Among Young Generation //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 01. – С. 576-584.

11. Boltaboyev M. HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSİONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – C. 668-671.
12. Mukhamadqodirovich R. A. The role of mass media in the history of the period of independence //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 4. – C. 356-359.
13. Evatov S. THE EXPRESSION OF THE IDEAS OF ASCETIC THINKING AND ALTRUISM IN CENTRAL ASIAN MYSTICISM //InterConf. – 2020.
14. Gaynullaeva M. F. The Role Of Biomass In Saving Natural Resources //The American Journal of Horticulture and Floriculture Research. – 2021. – T. 3. – №. 02. – C. 1-6.
15. Pusatova N. Ethnoecological Culture Of The Uzbek People Today And Pedagogical Aspects Of Its Formation In Students //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – T. 2. – №. 11. – C. 485-490.
16. Azamjonovich, I. I. (2021). The death penalty for a crime and its philosophical and legal aspects. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1376-1381.
17. Sayitkhonov A. THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF YOUTH TO ENTREPRENEURSHIP //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – C. 38-41.
18. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF THE FUNCTION OF STABILIZATION AND DEVELOPMENT OF SOCIETY IN SCIENTIFIC MANAGEMENT (AS SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGY). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.
19. Rakhmonov, G. A. (2021). The History Of Water Resources Modernization Processes In The Ferghana Valley. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(12), 77-81.
20. Normatova, D. E. (2021). The Development Of Socio-Philosophical Thought In Western Europe On The Eve Of The End Of The Renaissance. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 371-377.
21. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
22. Bozarov, D. M., & Karimova, G. Y. (2021). ROLE OF THE SELF-ORGANIZATION MODEL IN COMPLEX SOCIAL SYSTEMS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1-9.
23. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.

24. Kipchakova, Y. (2021). METHODOLOGICAL AND DIDACTIC ASPECTS OF INFORMATION AND INTELLECTUAL CULTURE IN THE EDUCATION OF A DEVELOPED GENERATION. *Экономика и социум*, (6-1), 156-159.
25. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 227-239).